



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (13.914)

Баҳоси эркин нарҳда

## “БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” ТАШАББУСИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Хитойда бўлиб турибди. Ташриф доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг умумий ёндашувларини муҳокама қилиш мақсидида бир қатор давлатлар раҳбарлари, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори билан учрашувлар ўтказди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи 25 апрель куни эрталаб Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувдан бошланди.

Хитой раҳбари Шавкат Мирзиёевни “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Пекинга ташрифи билан қутлади. Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини юксак қадрлаши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини таъкидлади.

– Хурматли Президент, сиз биринчи форумда ҳам иштирок этганингизни мамнуният билан эслаيمان, – деди Си Цзиньпин. – Шу маънода, сизни “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг асосчиларидан бири сифатида биламиз. Ўзбекистоннинг форумга эътибори ва ундаги иштироки мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожидан далолат беради. Утган йил июнда ШХТнинг Циндао саммитида иштирокингиз чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича кўплаб келишувлар эришилган эди. Бугун улар изчил амалга оширилмоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг истиқболли порлоқ. Сизнинг ушбу ташрифингиз ҳар томонлама стратегик шериклигимизни янги босқичга олиб чиқади.

Давлатимиз раҳбари халқаро форумда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдириб, ушбу тадбир ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ҳамкорлик-

ни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Сизни ва мамлакатингиз халқини яқинлашиб келаётган муҳим сана – Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан муборакбод этаман. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Хитой ҳар томонлама стратегик шериклардир. Тошкент Пекиннинг ташқи сиёсий йўли ва ягона Хитой масалалари бўйича қатъий позициясини, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Хитой мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатини олқишлайди. Давлатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Си Цзиньпин “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси Ўзбекистонда қабул қилинган 5 та йўналишдан иборат Харақатлар стратегиясига тўла ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади. Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини им-

порт қилишга тайёр. Бизнес алоқаларини замонавий босқичда ривожлантириш, энергетика соҳасидаги қўшма лойиҳалар кўламини кенгайтириш, халқаро магистрал автомобиль йўллари ва темир йўллар қуриш лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Илм-фан, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистонда Хитой маданият марказини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Хитой “Самарқанд сити” лойиҳасини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларга айрихоҳлик билан қарайди. Марказий Осиё минтақасида ва кўшни Афғонистонда тинчлик-осойишталикни сақлашда Ўзбекистоннинг ҳиссасини алоҳида эътироф этади. Чин мамлакат ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши қайд этилди.

Хитой – Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири. Ўзаро товар айирбошлаш изчил ўсмоқда. Утган йил якунига кўра, унинг ҳажми 6,4 миллиард доллардан ошган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Президентимизнинг 2017 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи натижасида умумий қиймати 4,5 миллиард дол-

лардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда товар айирбошлашни янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди, ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказишдан манфаатдорлик билдирилди. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция, инновация ва технологиялар жалб этиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларига, турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, минтақанинг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Саноат, молия, кишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаши ва унинг кенг қўлама даврига чикарилишига амалий ҳисса қўлишига тайёр эканини таъкидлади.

Хитой Раиси Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари Хитой билан Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Си Цзиньпинни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

## “HUAWEI” ЎЗБЕКИСТОНДА АҚЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Пекин, 25 апрель. ЎзА махсус муҳбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 апрель куни “Huawei” компаниясининг Тадқиқотлар ва инновациялар марказига ташриф буюрди.

“Huawei Technologies” компанияси телекоммуникация технологиялари соҳасида дунёдаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан биридир. Бугунги кунда компания 170 дан ортиқ мамлакатда ўз филиалларига эга ҳамда АҚШнинг телекоммуникация бозоридаги энг йирик ишлаб чиқарувчилари “HewlettPackard” (HP), “IBM”, “Cisco” компаниялари билан рақобатлашади. Компания тизимида 180 мингдан ортиқ ходим, жумладан, Хитой, АҚШ, Германия, Туркия, Хиндистон, Швеция, Россия каби давлатлардаги 20 та илмий-тадқиқот марказида 80 мингга яқин мутахассис меҳнат қилади.

Инновацион ахборот маҳсулотлари ва ечимлари, маълумот узатиш тизимлари, оптик қурилмалар, роутерлар, тармоқ ускуналари, смартфонлар, планшетлар, компьютерлар, маиший электр жиҳозлари ишлаб чиқариш компания фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда “Huawei” компанияси билан биргаликда телекоммуникация тармоқлари кенгайтириш, мобил алоқа операторлари ва провайдерлари тармоқларини ривожлантириш, оптик толали алоқа линиялари ёрдамида юқори тезликда маълумотлар узатиш технологияларини ишга тушириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилган.

Компаниянинг Пекиндаги Тадқиқотлар ва инновациялар маркази олий мартабали мезмонлар ташриф буюрадиган муҳим объект бўлиб, бу ерда стратегия йўналишлар бўйича ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказилади. Марказда компания стратегияси, алоқа операторлари ва корпоратив мижозлар учун ечимлар, булутли технологиялар, маҳсулотларнинг янги авлодини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилади.

Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб “Huawei” компаниясининг энг сўнгги технология ечимлари ва маҳсулотлари намуналари билан танишди.

“Huawei Technologies” компанияси асосчиси Жэн Чжэнфэй билан мамлакатимизда “Хавфсиз шаҳар”, “Электрон ҳукумат” ва шозилинч тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз компаниянинг сўнги интеллектга асосланган ақлли технологияларига юқори баҳо берди. “Huawei” билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилган лойиҳалар, мутахассислар тайёрлаш масалалари билан қизиқди.

– Янги технологияларни жалб этишдан олдин уларни ишлашга мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш жуда муҳим. Компания билан, аввало, ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон учун “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг турли соҳаларига таълим ва маълумот олиб кириши, мобил алоқа ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш, “Ақлли” ва “Хавфсиз шаҳар” концепцияларини жорий этиш, шунингдек, сўнги интеллект тизимларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Музокара чоғида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига “Ўзмобайл” ва “Ucell” алоқа операторлари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида Ўзбекистонда “Huawei” компаниясининг 5G технологияларини жорий этишни тезлаштириш вазифаси қўйилди. Чекла ҳудудларда кенг полсалли интернет тармоғига улашни ва интернет хизматлари нархларини тушириш бўйича симсиз технологияларни жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз “Huawei” компанияси ва Хитойнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳамда молиявий институтлари иштирокида “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини жалдлаштириш, шу билан бирга, “Ақлли шаҳар” тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Келгусида шозилинч тиббий ёрдам марказлари фаолиятини модернизация қилиш ва алоқанинг интеграцияланган тизимини жорий этишда “Huawei” тажрибаси ва технологияларидан фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда компаниянинг мутахассислар тайёрлаш ўқув маркази филиалини ташкил этиш, компания технологиялари ва ечимларини вазирлик ва идораларнинг ихтисослашган ўқув муассасаларига жалб қилиш, “Электрон ҳукумат” лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда “Хавфсиз шаҳар” концепциясининг биринчи босқичини амалга ошириш учун “Huawei” ва “СITIC Guoan Information Technology” компаниялари билан 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция қиритиш бўйича келишувга эришилган. 2019–2020 йилларда инвестиция ҳажми 1 миллиард долларга етказилади. Бу маблағ электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, телемедицина, IT-технология каби соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Учрашув якунида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан учрашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда. Утган йиллар давомида икки ва кўп томонлама асосда мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Халқларимизнинг дўстлиги ва яқинлиги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мамлакатларимизнинг турли халқаро тўғрилари доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Учрашувда Беларусь Президентининг Ўзбекистонга ўтган йилги расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани, сифат жиҳатидан янада юқори даражага олиб чиққани ва амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди. Мулоқотда илгари эришилган келишувлар ижросини бориши атофтича кўриб чиқилди. Президентлар икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми жадал ортаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот мустаҳкамланди, турли соҳалардаги амалий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасида алоқалар кенгаймоқда.

Учрашувда қўшма корхоналар ташкил этиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни учинчи давлатлар бозорига экспорт қилиш мамлакатларимиз иқтисодиёти барқарорлигини ошириши таъкидланди.

Давлатлар ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва ҳамкорликнинг амалий натижаларига эришишга ўзаро қатъий интилиш уни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очмоқда. Бугун мамлакатларимиз бунинг учун зарур салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Шунингдек, ўзаро савдонинг кенгайтириш, машинасозлик, кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, таълим, маданият ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилди.

Президентлар шерикликнинг янги йўналишларини самарали ривожлантириш мақсидида турли даражадаги мулоқотни фаол давом эттиришга тайёр эканини таъкидладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан ҳам учрашди.

Тожикистон билан дўстона муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг очик, ҳамкорлик ва прагматик ташқи сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2018 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Президентимизнинг 2018 йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа етакчи соҳаларда ривожлантиришга доир кўплаб истиқболли келишувларга эришилди.

Учрашувда Президентлар кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг аниқ масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро савдо ҳажминини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Утган йил Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ривожига тарихий йил бўлгани, ўзаро давлат ташрифлари натижасида у стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Бу борадаги ишлар натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, ҳудудлараро ва гуманитар алоқалар мустаҳкамлашиб бораётгани таъкидланди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб, илм-фан, таълим муассасалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Шубҳасиз, Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларида эришилган бундай ижобий ўзгаришлар халқларимизнинг тарихий ютуғидир.

Музокарада ўзаро муносабатларнинг истиқболли йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва яқин қўнчилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Дяюйтай” қароргоҳида Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Халқаро валюта жамғармаси билан кейинги йилларда жадал ва тизимли тус олган ҳамкорлик даражасидан мамнуллигини билдирди. Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси комплекс иқтисодий ва таркибий янгиланишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонга зарур барча ёрдамни қўсатишнинг давом эттиришга қатъий интилишини таъкидлади.

Жамғарма Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатга доир, жумладан, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қиларган аниқ чораларни ишлаб чиқишда техник қўмақ соҳаларини фаол кенгайтиришга тайёр экани қайд этилди. Халқаро валюта жамғармаси ўз таҳлилларига таянган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ҳолатини ижобий баҳоламоқда. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши жорий йилда 5,5 фоиз, келаси йили эса 6 фоизга етиши кутилмоқда.

Жамғарма экспертларининг фикрича, Ўзбекистон муҳим ислохотларнинг илк босқичини муваффақиятли амалга ошириб, жумладан, валюта муомаласи либераллаштирилди, солиқ бошқаруви ислоҳ қилинди ва давлат статистикаси тизими тубдан яхшиланди.


Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг жорий масалалари кўриб чиқилди, унинг самарадорлигига юксак баҳо берилди. Жамғарманинг техник қўмаги туфайли янги солиқ сиёсати ва мазмуриячилик концепцияси жорий этилгани, “Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси тайёрлангани, Ўзбекистон Давлат бюджетни илк бор ўрта муддатли асосда ишлаб чиқилгани, мамлакатимиз жамғарма статистика маълумотлари тарқатишининг умумий тизимига қўшилгани ижобий баҳоланди.

Томонлар фаол ҳамкорликни, аввало, пул-кредит сиёсати, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсати, тўлов балансини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш соҳаларида давом эттиришга келишиб олдilar.

Кристин Лагард мазмунли муҳокама учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор қилиб, ўзининг 2019 йил май ойига мўлжалланган Ўзбекистонга ташрифи давомида мулоқотни давом эттиришга умид билдирди.

Сиз Ўзбекистон аҳолиси фаровонлиги йўлида амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман, деди Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори.

ЎзА



## Халқаро юридик форум



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ  
2017-2021

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚҚА МОС ТАРЗДА ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

Тошкентда "Тошкент ҳуқуқ баҳори" – "Tashkent Law Spring" халқаро юридик форуми ўз ишини бошлади.

"Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган форумнинг асосий мавзуси – "Ҳуқуқ жадал модернизация даврида" деб номланди. Бу бежиз эмас, албатта. Сўнгги икки йил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этган кенг қўламли ўзгаришлар даври бўлди. Қисқа давр ичида Ҳаракатлар стратегияси доирасида 90 дан ортиқ қонун ва 2 мингдан зиёд Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Энг яхши амалиётлар, илғор тажриба ва тақлифлар миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID), БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармаси (UNODC), "Худудий мулоқот" халқаро ташкилоти, "Газпромбанк" АЖ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Халқаро юридик форумга дунёнинг 40 мамлакатидан 240 делегат ташир буюрди.

Форумда АҚШ, Англия, Австрия, Австралия, Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Ирландия, Италия, Франция, Нидерландия, Швейцария, Польша, Канада, Молдова, Беларусь, Украина, Мальта, Латвия, Литва, Россия, Грузия, Саудия Арабистони, БАА, Хитой, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Хиндистон, Малайзия, Туркия, Шри-Ланка, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатлардан келган вакиллар билан бир қаторда миллий экспертлар ҳамда Корея Республикаси, Сингапур, Россия, Афғонистон, Беларусь, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Шри-Ланка давлатларининг адлия вазирликлари ва қонунчилик тизими, дунёнинг етакчи арбитраж марказлари раҳбарлари ҳам иштирок этаётди.

Мингдан зиёд юристни бир жойга жамлаган форумнинг очилишида Ўзбекистон адлия вазири Русланбек Давлетов, Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ва бошқалар Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган

ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ҳуқуқ тизими ҳам ана шу ислохотларга мутаносиб тарзда ривожланмоқда. Соҳани халқаро андозалар даражасида ривожлантиришда форум ўзига хос аҳамият касб этади.

Адлия вазири ўз чиқишида инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоялаш масаласига эътибор қаратиб, "Ўзбекистонга келаётган ҳар бир инвестор ҳуқуқий ҳимояда бўлиши шарт. Бугун кўп сонли юристлар бир жойга жам бўлганидан фойдаланиб айтмоқчиманки, бу бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири. Сармоясига Ўзбекистонга кириб келаётган ҳар бир инвестор келишидан олдин бу ерда уни қандай вазият кутаётганини тўлиқ билиши керак. Бунинг яъни ҳуқуқий ҳимоя кафолатини юристлар таъминлаши ва инвесторларга намоён қилиб бериши шарт", деди.

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ушбу мақсадга хизмат қилувчи суд-ҳуқуқ тизимини ислохот қилиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Аммо бу борада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас.

– Мулк ҳуқуқи энг юксак кадрлар даражасига кўтарилиши керак, – деди Р.Давлетов. – Хусусий мулк ҳуқуқий ҳимояси бўйича замонавий ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш зарур. Меҳнат қонунчилиги бўйича шундай дейиш мумкин. Гарчи бу соҳаларга оид ҳуқуқий кафолатлар мавжуд бўлсада, улар эски концепциялар асосида қабул қилинганидан кўз юма олмаймиз. Бундан буён бу соҳаларда янги талаб даражасидаги, ҳалқимиз манфаатларига хизмат қиладиган қонунлар яратилади. Бугун биз дунёнинг энг илғор юристлари билан бу соҳада ҳам фикр алмашамиз. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ҳам шундай дейиш мумкин. Биз бу борада келгуси йилга мутлақо янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишни режалаштирганимиз. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишлар ҳамда жамоат назорати механизмлари кучайтирилади. Интернетдаги муно-

сабатларни тартибга солиш ҳам кун тартибда турибди.

Форум доирасида Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган "Энг яхши корпоратив юридик хизмат" танлови ғолиблари тақдирланди. Самарқанд автомобиль заводи юридик хизмати учинчи, "Ўзсаноатқурилушбанк" юридик хизмати иккинчи, "LUKOIL Uzbekistan Operating Co" юридик хизмати биринчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиблар муносиб равишда тақдирланди.

Форумнинг биринчи кунда иштирокчилар сессияларга бўлинган ҳолда "Халқаро арбитраж ва суд муҳокамаси", "Суд экспертизаси", "Юридик хизматлар" каби мавзуларда ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлди. "Халқаро рейтинглар", "Инвестициялар: замонавий имкониятларни жалб қилиш", "Давлат ва хусусий шерикчилик борасидаги илғор жаҳон тажрибаси" каби мавзуларда мулоқотлар ташкил этилди.

"Суд экспертизаси" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатиде иштирок этган БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ашита Миттал Ўзбекистонда илк бор ҳуқуқ соҳаси бўйича ташкил этилган форумга кўлаб давлатлар, халқаро ташкилотлардан экспертлар билан бир қаторда ушбу соҳада фаолият олиб бораётган етакчи мутахассислар ҳам жалб этилган тадбирнинг нуфузини кўрсатиб турганини таъкидлади.

– Ўзбекистон Президенти саъй-ҳаракатларида ҳам халқ билан мулоқот қилиш, муаммоларини ҳал қилишга устувор аҳамият берилганга яққол кўзга ташланмоқда, – деди А.Миттал. – Ҳуқуқ тизими, хусусан, адлия, давлат хизматлари соҳалари ҳам шунга монанд ҳаракат қилмоқда. Суд экспертизасининг энг етакчи мутахассислари жам бўлиб, тизимни янада тараққий эттириш бўйича фикр алмашди. Зеро, бу соҳанинг мукамаллашиши жиноятларни фож этишда муҳим ўрин тутди. Бу соҳа ахборот асрига мутаносиб ривожланиб бораётгани билдирилган фикрларда аён бўлди. Эндиги масала энг сўнгги технологиялар жорий этилган тажрибаларни оммалаштириш. Уйлайманки, ўзбекистонлик мутахассислар ҳам бугун бу борада олдиларига янги мақсадлар қўйди.

Норгул АБДУРАИМОВА

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Москва шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисод, савдо-саноат, сармоя, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, енгил ва кимё саноати каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания раҳбарлари иштирок этди.

Мажлис Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлари комиссияси хамраислари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Ҳўжаев ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкин раислигида ўтди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик асосидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги таширлар давомидаги учрашув ва музокаралар якуни бўйича эришилган келишувлар бунда муҳим ўрин тутди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Комиссиянинг ўн тўққизинчи мажлисида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотлар тингланди. Савдо-иқтисодий, жумладан, ёқилғи-энергетика комплексида, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникация, таълим, фан, туризм, маданият, миграция, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қизиқиш билдирилди.

Тадбир доирасида миллий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар якунида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирилди, мажлис баённомаси қабул қилинди.

ЎЗА

## "EXPO-RUSSIA UZBEKISTAN 2019": САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Турли маҳсулотлар намойиш этилган кўргазма стендлари, музокаралар столида фойдали келишувларга эришган Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари, қизғин кечган бизнес учрашувлар...

Пойтахтимизда ўтказилган "Expo-Russia Uzbekistan 2019" Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ҳам шундай дейиш мумкин. Биз бу борада келгуси йилга мутлақо янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишни режалаштирганимиз. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишлар ҳамда жамоат назорати механизмлари кучайтирилади. Интернетдаги муно-

Россия мамлакатимизнинг ишончли савдо-иқтисодий шерикларидан. 2018 йилда ўзаро савдо айланмаси 20 фоизга ортда ва қарийб 6 миллиард долларга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва кўлаб бошқа соҳаларда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларида ҳам Россия ишбилармонлари муносиб иштирок этмоқда.

Бу Россия компанияларининг Ўзбекистон бозорига инвестиция киритишдан манфаатдор эканидан далолат. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Expo-Russia Uzbekistan" халқаро саноат кўргазмаси ва унинг доирасидаги "Smart Innovation" Тошкент бизнес-форумида иштирокчилар сонининг тобора ортиб бораётгани ҳам фикримизга мисол бўла олади.

"Зарубеж-Экспо" акциядорлик жамияти (Россия) директорлар кенгаши раиси, "Expo-Russia Uzbekistan 2019" ташкилий қўмитаси раҳбари Давид Вартановнинг қайд этишича,

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу тадбирларда саноатнинг турли тармоқларига ихтисослашган 500 га яқин компания иштирок этди. Шу билан бирга, минглаб ишбилармонлар B2B, G2B форматидеги учрашувларда қатнашди.

Хозирги кунда иқтисодиётни рақамлаштириш мамлакатимизда соҳани тараққий эттиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Президентимиз раҳбарлигида давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Шу мақсадда ахборот-коммуникация соҳаларида илғор ютуқларни қўлга киритаётган мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш ҳар қачонгидан-да муҳим.

"Smart Innovation" Тошкент бизнес-форуми доирасида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди. Улардан бири мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилишда космик аппаратлар имкониятларидан кенг фойдаланишдир.

Форум иштирокчиси, "Ракета-космик" маркази "Прогресс" акциядорлик жамияти (Самара

шаҳри) сектори раҳбари Александр Федосеев космик аппаратлар имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига ҳудудлар инфратузилмасининг тезкор мониторингини олиб бориш, уни рақамли картографияда қўллаш мумкинлигини қайд этди.

Бизнес-форум Ўзбекистон – Россия савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим келишувларга бўй бўлди. Хусусан, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги билан "Россия экспорт маркази" акциядорлик жамияти ўртасида битим имзоланди. Ҳужжат Ўзбекистон – Россия ташқи иқтисодий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутди. Эндилкида томонлар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликда кўргазмалар, ярмаркалар, бизнес тадбирлар ўтказиш имконига эга.

Мулоқот ва музокаралар, фойдали келишувларга бой бўлган "Expo-Russia Uzbekistan 2019" халқаро саноат кўргазмаси ва "Smart Innovation" Тошкент бизнес-форуми доирасида тақдирот маросимлари, давра суҳбатлари, иштирокчилар ва мутахассислар ўртасида музокаралар ўтказилди.

Малоҳат ҲУСАНОВА,  
ЎЗА мухбири



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳридаги Матбуот уйида "Журналистика: ҳуқуқий амалиёт ва кўникма" мавзусига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, марказий нашрларнинг вилоятдаги муҳбирлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вазирлик қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

• Ангрэн шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан Эрон Ислом Республикасининг "Burhan Developed trade" масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатидан ўтказилди. Хорижий инвесторлар ҳудудда каолинни қайта ишлаш ва керамик плита тайёрлашни йўлга қўяди.

• Тошкентдаги Инха университетида киберхавфсизликка бағишланган "Security Trends Central Asia – 2019" анжумани бўлиб ўтди. Унда киберхавфсизлик ечимлари соҳасида дунёда етакчи компаниялардан бири саналган "Trend Micro incorporated" (Япония)нинг юқори малакали мутахассислари, университет профессор-ўқитувчилари талабалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси маблағлари ҳисобидан Наманган шаҳрида барпо этилган "Океан" сув спорти саройи замонавий архитектура ечимлари асосидаги бетакорор қиёфаси, сув спорти бўйича халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш имкониятлари билан мамлакатимизнинг энг кўркам, муҳташам ва муносиб иншоотларидан бири бўлди, десак муболага бўлмайди.

• Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилоят бўлимидаги ҳарбий хизматчилари Термиз шаҳридаги Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида китобхоналарга яратилган шароитлар билан танишиш ва кутубхонага аъзо бўлишди.

## ЖАҲОНДА

• Жанубий Африка Республикасининг жанубий-ғарбий ҳудудларида куйган кучли жала натижасида юз берган сув тошқинлари туфайли 60 га яқин одам ҳалок бўлди, ўнлаб уйлар вайронага айланди, йўллар ёпилди. Табиий офатдан айниқса Дурбан шаҳри кўпроқ жабрланди.

• Грузия шимолидаги Панкис дарасида ушбу ҳудуддаги ГЭС қурилишидан норози бўлган маҳаллий аҳоли ҳамда ҳарбийлар ўртасида тўқнашувлар юз берди. Бунинг натижасида 40 га яқин киши жабрланди. Ғалаёнчилар ГЭСнинг экологияга катта зарар келтириши, жумладан, аҳолининг сувсиз қолишини таъкидламоқдалар. Тўқнашув чоғига шу ерда бўлган мамлакат ички ишлар вазири аҳоли билан келишувга эришмасдан туриб ГЭС қурилишининг давом эттирилмаслигини маълум қилди.

## ҚИСҚА САТРАПДА

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Жанубий Кореянинг BOMI компанияси вице президенти Сео Жунхон билан учрашув бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Миллий университетида механика бўйича илмий семинар ўтказилди.

• Юнусобод туманида 216 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

• Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида П.А.Герцен номидаги Москва экология илмий-тадқиқот институтининг филиаллари очилади.

**Май – Фуқаролар йигини раислигига сайловлар ойи**

**“Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонун 2018 йил 15 октябрда қабул қилиниб, 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган қонун ўз кучини йўқотган эди.**

Янги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш юзасидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қулай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)га ўз билим ва бошқарув маҳоратини намоён этиши учун кўпроқ имконият яратишда ҳуқуқий асос бўлди.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови билан боғлиқ ахборотлардан ва қонун ҳужжатларидаги янгиликлардан фуқароларнинг қанчалик хабардор эканини билиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ижтимоий сўров ўтказилди. Ижтимоий сўров саволлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига жойлаштирилган, 400 га яқин иштирокчи саволларга ўз жавобини йўлаган.

Янги қонунга асосан фуқаролар йигини раиси уч йил муддатга сайланадиган бўлди. Ушбу янгилик тўғрисида “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) қанча муддатга сайланади?”, деб берилган саволга иштирокчиларнинг 27 фоизи “икки ярим йил муддатга”, 73 фоизи “уч йил муддатга” деб жавоб берган.

Олдинги қонунга кўра, фуқаролар йигини раисининг икки ярим йил муддатга сайланиши навбатдаги сайловларнинг йилнинг турли ойларида ўтказилишига олиб келар эди. Хусусан, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови 2014 йилда ноябрь-декабрь ойларида, 2016 йилда май-июнь ойларида ўтказилган. Мазкур ҳолат сайловларга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва овоз беришда иштирок этишда турли ноқулайликларни туғдирарди.

Фуқаролар йигини раиси уч йил муддатга сайланиши келгуси сайловларни ҳар доим аниқ бир вақтда

ўтказиш имконини яратди. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги “Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови 2019 йил май ойида ўтказилиши юқорида қайд этилган фикрларнинг исботидир.

**САЙЛОВ ҲАҚИДА ИЖТМОИЙ СЎРОВ**

Мамлакатимизда фуқаролар йигинлари раисларининг (оқсоқолларининг) навбатдаги сайлови қачон ўтказилишидан аҳолининг хабардорлигини билиш юзасидан берилган саволга ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 14 фоизи декабрь ойида, 86 фоизи эса май ойида бўлиб ўтишини билдирган.

Сайловни ўтказишда энг муҳим жараён, шубҳасиз, бу – овоз бериш жараёнидир. Авалги тартиб-таомилга мувофиқ, фуқаролар йигини раисларини (оқсоқолларини) сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилиши мумкин эди. Фуқаролар йигинида сайловнинг очиқ овоз бериш орқали ўтказилиши айрим ҳолларда овоз берувчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашда уларга турли ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Янги қонуннинг 20-моддаси билан фуқаролар йигини раисини (оқсоқолини) сайлаш, фақат яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, яширин овоз бериш тартиби ҳам тақомиллаштирилди. Хусусан, олдинги сайловларда овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчирарди. Эндиликда эса

овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка “+”, “v” ёхуд “x” белгисини қўяди. Мазкур тартибдан фуқароларнинг қанчалик хабардорлиги ўрганилганда, ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 33 фоизи бюллетендаги номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка “+”, “v”, “x” белгилардан бири қўйилишини билдиришган.

Фуқаролар ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён қиладиган муҳим жараёнлардан бири сайлов ҳисобланади. Сайлов жараёнида фуқароларнинг иштирокига қараб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини таҳлил этиш мумкин. Шу мақсадда берилган “Сиз фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига муносиб бўлган шахсга овоз бериш учун сайловда иштирок этасизми?” саволига ижтимоий сўров иштирокчиларнинг 70 фоизи “ха”, 30 фоизи “йўқ” деб жавоб берган.

Ижтимоий сўров якунларига кўра, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови билан боғлиқ қонунчиликдаги янгиликлардан аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ишларини янада кучайтириш мақсадида мувофиқлиги ойдинлашди.

Қайд этиш лозимки, етти кун мобайнида ўтказилган ижтимоий сўровда 400 га яқин иштирокчилар катнашди, фуқаролар йигини раиси сайлови қачон ўтказилишидан 86 фоиз қатнашчининг хабардорлиги ҳамда 70 фоиз иштирокчи муносиб номзодга овоз бериш учун сайловда иштирок этишини билдиргани – аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юқорилигидан, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардорлигидан, фуқаролар йигини раиси сайловида бефарқ эмаслигидан далилат беради.

**Беход СУЛТОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳузуридаги котибият катта референти

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА**

**Прокуратуранинг ўзига хос бўлмаган текширув функцияларини бизнес-омбудсман мувофиқлаштиради**

Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан тақомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптимallasштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Хусусан, 1 апрелдан бизнесда ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва уларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш бизнес-омбудсманга ўтади. Жорий йилнинг 1 апрелдан Бош прокуратура текширувларни мувофиқлаштиришни тўхтатади. Ушбу ваколатлар Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилади. Бизнес-омбудсманнинг текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан баҳарлиқлиги мажбурий ҳисобланади.

Шу ўринда текширувлар 2 гуруҳга бўлинганини айтиб ўтиш жоиз. Ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказиладиган текширувлар электрон рўйхатга олиш ягона тизимига маълумотларни киритиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибда ўтказилади.

2019 йил охиригача молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга мораторийини ҳисобга олган ҳолда, яъни 1 апрелдан бизнес-омбудсман қонун бузилишига доир муножабатлар юзасидан, шунингдек, хавфни таҳлил қилиш натижаларига бўйича бизнесда текширувлар ўтказишга розилик бера бошлайди, ушбу текширувлар муддатларини узайтиради ёки бошқа муддатга кўчиради. Унинг розилигисиз бундай текширувлар ўтказиш – қонунга хилоф ҳисобланади.

Бундан ташқари, текширувларни электрон рўйхатга олишни ягона тизимни ҳам Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилади. Шу ўринда 3 та ҳолатга эътибор қаратинг: ваколатлар шахсан бизнес-омбудсманга берилмоқда, унинг аппаратига эга ходимларга эмас; хронометраж

кўздан кечириш ва мавзули экспресс-ўрганиш текширув турларига қирмайди. Шу сабабли солиқ органлари ушбу назорат тадбирларини, илгаригидек, келишмай ўтказишда давом этадилар; 2019 йил 16 мартдан 31 мартгача бўлган даврда бизнесда текширувлар ўтказилишини прокуратура органлари мувофиқлаштиради.

Бизнес-омбудсман бизнесда текширувлар ўтказиш қонунийлигини назорат қилади. Бу МЖТКнинг 241-2-моддаси бўйича (тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш ваколатини ҳам назарда тутаяди. Бизнесда текширувлар ўтказиш соҳасидаги норматив база ўзгаради. Ҳукуматга бир ой муддатда Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоомни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. У қабул қилинганга қадар Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низоомга амал қилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш Савдо-саноат палатаси зиммасига юклатилди. Эслатиб ўтамиз, ССПнинг ушбу масалаларга оид ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида мустаҳкамланган.

**Д. МАХМУДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатувчи ходими



**ФОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

**Ҳар бир ёш билимларни пухта эгалласа, ўз касбининг устаси бўлса, мамлакатимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади. Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шу эзгу муддаого, халқимизнинг азалий интилишлари негизи – баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.**

Республикамизда яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, қўллаб-қувватлаш кўлга киритаётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Тошкент шаҳар Ешлар марказида ташкил этилган “Сардорлар ҳафталиги” доирасида “Энг намунали Сардорлар Кенгаши” ташкили иштирок этган ёшларни кузатиб бунга яна бир бора амин бўлди.

Бизга яши маълумки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб сардорлар, фаоллар ва етакчиларга эга. Ташкилотнинг барча умумий ўрта таълим муассасаларида энг фаол ўқувчи-ёшлардан иборат Сардорлар Кенгаши шакллантирилган бўлиб, Кенгаш аъзолари ўзларининг йўналишлари бўйича ўқув йили давомида фаолият олиб боради ва бир йилда бир марафа сайланади.

Сардорлар Кенгаши аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик ва соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида бир неча йиллардан буён “Энг намунали Сардорлар Кенгаши” танлови ўтказиб келинади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки жорий ўқув йилида ҳам танловнинг саралаш босқичларида синф, мактаб Кенгашларининг жами 118 500 дан зиёд ўқувчи-ёшлари иштирок этди. Танловнинг якуний Тошкент шаҳар саралаш босқичида 198 нафар ёш қатнашди.

Сардорлар Кенгаши аъзоларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тенгдошлари билан ишлаш кўникмаси, ижодий, интеллектуал салоҳияти, ташаббускорлик, етакчилик қобилиятини юксалтириш, илғор тажриба-

ларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган танловда туман ва шаҳар босқичларида фолибликни қўлга киритган жамоалар белгиланган шартлар асосида истеъдод ҳамда имкониятини синовдан ўтказди. Ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштириш, Сардорлар Кенгаши томонидан олиб борилаётган изланишларни қўллаб-қувватлаш ва келажақда уларнинг мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадр бўлиб етишларига кўмаклашиш мақсадида қаратилган танловда энг намунали туман-шаҳар Сардорлар Кенгаши аниқланди.

Еш авлодини Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадини кўзлаб “Камалак” болалар ташкилотининг ёрқин лойиҳаларидан бири сардорлар учун тажриба мактаби бўлди. Асосийси кўрик-танлов аъзоларининг ютук ва тажрибаларини таҳлил қилиш, ўзаро тажриба алмашишида қулай имконият яратди.

Фолибликни қўлга киритган энг намунали Миробод тумани Сардорлар Кенгаши танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун Навоий вилоятига ташриф буюришди. 2-ўринни Чилонзор тумани ва кучли учталик рўйхатини Сергели тумани фаол ёшлари тугатиб бердилар. Фолиб ва совриндорлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгашининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2008 йилда Идрисходжаева Нозима Насирхановна номига берилган В № 347334-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“HOME FABER” МЧЖ (ИНН 300513935) устав фонди 129 520 057 сўмдан 50 000 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99893) 380-18-17.

**Хабарлар**

**ЎЗАРО АНГЛАШИНУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ**

**Тошкент шаҳри Яққасарой тумани ҳокимлиги маъмурий биносида туман ҳокимлиги ҳамда Корея Республикасининг Сеул шаҳри Сеонгдонг-гу тумани ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.**

Меморандумнинг мақсади икки туманлар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар, шерикчилик доирасини кенгайтиришдан иборатдир.

Иккала томон таълим, иқтисодиёт, маданият, туризм ва туман инфратузилмаси сингари соҳаларда иш олиб бориб, яна бошқа бир қатор йўналишлар бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини ўзаро ҳамкорликда амалга ошириб боради.

Яққасарой тумани ҳокими Бахтиёр Шомуродов ва Корея Республикасининг Сеул шаҳри Сеонгдонг-гу тумани ҳокими Чонг Вон О ушбу ўзаро англашув меморандумини имзоландилар.

Бундан ташқари, Корея Республикасининг илғор технологияларини тумани ҳудудида жойлашган ҳўжалик субъектларига жорий қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳўжалик субъектларида замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш орқали туманнинг иқтисодиёти, саноати ривожига ҳисса қўйишни таъминлаш мақсадида тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурулла Абдурахмонов ва Корея Республикасининг P&B Co., Ltd. Компанияси Бош директори Канг Ин-гю томонидан ўзаро алмашинув меморандуми ҳам имзоланди.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ**

Барча турдаги стандартлаштиришни ўз ичига қамраб олган, халқаро махсуслот ва хизмат турлари алмашувини таъминлаш, интеллектуал, илмий техник ва иқтисодиёт соҳаларини ривожланишига ҳисса қўшаётган MC ISO 9001:2015 халқаро стандарти республикамиз миқёсида ҳокимликлар ўртасида биринчи бўлиб Яққасарой тумани ҳокимлигида жорий қилинди.

Туман ҳокимлигида CERT international Халқаро сертификация ташкилоти раҳбарияти томонидан MC ISO 9001:2015 халқаро стандарти таътиб этилганлиги муносабати билан Халқаро сертификат топширилди.

Амалга таътиб этилган ушбу янгилик фуқароларни ижроия ҳокимиятларга бўлган ишончини янада ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш, ҳужжатларни тез, сифатли, белгиланган муддатларда тайёрлаш, шаффофлик, ҳолислик ва адолат принциплари нуфузини юксалишига хизмат қилади.

**Фуломжон МУСАЕВ,**  
Яққасарой тумани ҳокимлиги матбуот котиби

**ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ**

**Барчага аёнки оила энг асосий тарбия маконидир. Ўзбек оиласининг ўзига хослиги унда ўсиб-унган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етишига эътибор қаратилишида.**

Лекин бундан ҳаёт дейдилар деб бежиз айтишмайди. Икки ёшнинг оила деб аталмиш кўргонни сақлаб қолиши ҳар доим ҳам қўлидан келавермас экан. Натижада фарзандлар етим бўлиб қолмоқда. Ана шундай оталар фарзандларнинг келажагини уйлаш муҳимлигини эсдан чиқаришмоқда.

Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур туман бўлими иш юритуварида фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларидан судининг 2012 йил 6 декабрдаги қарздор С.Арифбаевдан ундирувчи Ю.Ахмедова фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатига асосан 2018 йилнинг октябр ойида Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими томонидан қарздор отага нисбатан кидирув эълон қилинган.

Олиб берилган тезкор қидирув ҳаракатлари натижа-сида жорий йилда қарздор С.Арифбаев топилган ва бўлимга келтирилган.

2019 йил 25 февралдаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги жадвалига асосан қарздорнинг 2012 йил 3 декабрдан 2019 йил 1 февралга қадар алиментдан бўлган қарздорлиги 12.010.185 сўмни ташкил қилган.

Шайхонтоҳур туман маъмурий судининг 2019 йил 26 февралдаги қарорига асосан, ота томонидан юқоридаги қарздорлик тўланаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасига асосан, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

**32 ОЙЛИК АЛИМЕНТ ҚАРЗДОРЛИГИ УНДИРИЛДИ**

Мажбурий ижро бюроси Олмазор туман бўлими иш юритуварида бўлган Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман бўлими 2015 йил 13 ноябрдаги ижро варақасига асосан, қарздор С.Турдиевдан ундирувчи Ш.Турдиева фойдасига 3 нафар вояга етмаган фарзандларни таъминоти учун алимент пулларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд.

Қарздор С.Турдиев 2016 йилнинг май ойидан бошлаб 2017 йилнинг 20 июлигача 8 792 422 сўм алимент қарздорлигини тўламаганлиги сабабли, Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2017 йил 4 сентябрдаги ҳукмига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддаси, 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳамда Ш.Турдиева фойдасига алимент қарздорлигини ундириш белгиланган. С.Турдиев берилган жазонини ўтаб бўлганидан кейин ҳам суд ҳукми билан белгиланган қарздорликни вояга етмаган 3 нафар фарзандлари учун тўлаб бермаган.

Шундан сўнг, 2016 йилнинг май ойидан 2019 йил февраль ойигача яъни, 32 ой учун бўлган миқдор жами 20 727 404 сўм йиғилган қолган қарздорлигини Мажбурий ижро бюросининг Олмазор туман бўлими томонидан жорий йилнинг апрель ойида ундирувчи Ш.Турдиевага ундириб берилди.

Бундай ҳолатларга дуч келганида фарзандлари келажagini уйламай, турли найрангларни уйлаб топиш инсон деган номга қанчалик тўғри келар экан? Ўқимларнинг олдини олишга, бир оила барбод бўлмаслигига ҳамма баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилса балки бундай ноқуш ҳолатларнинг олди олинган бўлур эди.

**Анваржон ЗОХИРОВ,**  
Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим инспектори

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**  
“Ўзсаноатқурилайбанк” АТБ Чилонзор филиали таркибиде очилиши режалаштирилаётган “Банк хизматлари маркази” биносини ўзгартирилган янги дизайн асосида қайта таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**  
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қўйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзеси, Мехр кўчаси. Телефонлар: 276-55-82, 276-43-39.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2019 йилда Бурхоний Зафарали Пирмаҳаммад ўғлига берилган № 0036 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# ЖУМА ОҚШОМИДА

## Хотира уйғонса гўзалдир

### САМИМИЙЛИККА ЙЎҒРИЛГАН САТРАЛАР

**Ижод аҳли зиммасида залворли бир юк бор ва бу қаламкашга катта масъулият юклайди. Ёзганларининг ўқувчиға ёқиши учун анча-мунча заҳмат чекишга тўғри келади.**

Яхши шеърдан кўнгиллар қониб, унинг тубида мудраб ётган туйғулар жунбушга келади. Дилингиз яйрайди, руҳингиз хузурланади. Яхши шеърнинг умри узун, уни ҳар гал ўқиганингизда сайқалланиб, турфаланиб, кўнгилнинг нозик торларини чертиб туради. Эл орасида таниқли бўлиш мумкин, лекин сеvimли бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Сўз шундай улғу, буюк кудратта эгаки, у ҳам бузиши, ҳам тузиши мумкин. Гавҳарни жаҳоҳирлар ичидан саралагандек, сўзни ўз ўрнида ишлатиш, уни увол қилмаслик ҳам ижодкор маҳоратига боғлиқ. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг самимиятга, камтарликка, табиийликка, оддийликка йўғрилган сатрларини дилингизга нақадар яқин эканлигини ҳис этасиз, унинг келажакни кўра олиш, бўлажак воқеа-ҳодисаларни олдиндан сеза олиш қобилияти, ўз тақдирини ҳам қандай кечишини билиши сизни лол қолдиради.

Айтишларича, Эпиккалға туманидаги Ботаника боғида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган минглаб наботот орасида сеvimли шоиримиз Мухаммад Юсуф экан дарахт ҳам бор экан. Боғ директори Рустам ака Бобожоновнинг хикоя қилишича, шоир дарахт экаётиб: "Қаранг, ака бу дарахт 500 йил яшайди, дейишади. Лекин уни эккан одам баъзан дарахт умрининг ўндан бирини яшайди ё ашай олмайди. Демак, 50 ёшга ё кирди ё киролмайди", деган экан.

— Шундай, лекин ниятини яхши қилиш керак, шоир ака. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин, — дейди.

— Ҳа, бу бир омади гап-да. Халибери ўлмоқчимасман.  
— Манави бошқа гап. Сиз ўлганингиз билан ер тўғрими?  
— Ҳақиқатан ҳам ер тўғрими? Мухаммад Юсуф ўзи айтганидек, 50 га кириб-кирмай, оиласи, адабиёт, шеърятни хувиллатиб, яқинлари, қадрдонла-

ри, мухлисларини бўзлатиб; қалбига айрилик, соғинч азобини солиб, юраги тубидаги гаплари ниҳоясига етмай, авж пардасида торлари узилиб, бу дунёни тарк этиб кетди.

Мухаммад Юсуф ҳам ҳамма учун азиз, муқаддас макон бўлган Ватанини, ўз Андижонини жондан ортқ суярди, уни кўзларига тўтиё айларди. Шоир ўзи ёзганидек:

**Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним.  
Ёлғизим,  
Ягонам дейми,  
Топинган қошоном дейми,  
Ўзинг менинг улуглардан  
Улуғимсан, Ватаним!**

Мухаммад Юсуф ўзи ёзганидек "де-вона шоир" бўлиб эмас, балки Адабиётнинг, Шеърятнинг, Меҳр-оқибатнинг, Кўнгилнинг девонаси бўлиб яшади. У 48 ёшга етганда, чарақлаб турган юлдузи бевақт сўнди, бироқ бу қисқагина умр ижодкорнинг камолга етиши, халқига ихлос ила хизмат қилиши учун етарли бўлди. Юракларни ларзага солувчи ушбу сатрлар эса бизга хотира бўлиб қолди.

**Ол, дея, бир Эгам, осмонга учса  
руҳларим,  
Бир ажиб мовий диёр бўйинини  
қўча руҳларим.**

**Кўк менинг кўксим бўлур, юлдуз-  
лари — андуҳларим,  
Гул ўлиб, гул ёпиниб, ҳар дилда  
мозорим қолур,  
Мен кетарман бир куни, навола-  
рим, зорим қолур...**

**Гулчеҳра КАРИМОВА,  
"Нуроний" жағғармаси  
Республика бошқаруви ҳузуридаги  
"Фахрий ижодкорлар гуруҳи"  
аъзоси**



## ФАРЗАНДИМГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛАМАН

**Китоб — қалбни ёритувчи нур, тафаккурни бойитувчи хазина, камолот чўққиси ва маънавий комилликка етакловчи омил эканлиги Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабида ўтказилган "Фарзандимга китоб совға қиламан" номли акцияда яна бир бор ўз аксини топди.**

Мазкур акцияда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, "Қишлоқ қурилиш банк" шаҳар бўлими, "Ал-Бадр" жоме масжиди вакиллари, фахрий ўқитувчилар ҳамда ота-оналар томонидан китоблар жамланмаси мактаб кутубхонасига тақдим этилди. Учрашувда ҳомий ташкилотлар вакиллари ёшлар билан самимий суҳбатда бўлиб, уларга китобнинг инсон камолотида тутган ўрни, шахс маънавияти ва маданиятини шаклланишида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Китоб билан дўст тутинган боладан ёмонлик чиқмаслигини ўқитишди.

Тадбир давомида фахрий устозлар ёшларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналарини мунтазам равишда ўқиб боришларини тавсия қилишди. Шунингдек, мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга берилаётган имкониятларнинг мазмун-моҳия-

ти ҳақида тушунчалар берилди. — Ушбу тадбир ўқувчиларимизда катта кизиқиш уйғотди, — дейди мактаб директори Насиба Мирсоатова. — Ҳомийларимиз томонидан мактабимиз кутубхонасига 250 дан ортқ китоблар жамланмаси топширилди. Турли хилдаги адабиётларни қўлларига олган ёшларимиз бундан бениҳоя хурсанд бўлишди. Тадбирда ёшлар сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳамда турли хилдаги бадиий асарлар билан таъриф эканлар, улар ҳомийларга миннатдорлик билдиришди. Дарслар, машғулотлардан бўш вақтларида ушбу китобларни ўқиб, улардан завқ олишларини бир овоздан айтишди. Албатта, бу каби учрашувлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг билимини оширибгина қолмай, балки китобни сеvimшга ҳам хизмат қилади.

**Замира МУҲАМАДИЕВА,  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Тошкент шаҳар Кенгаши фаоли**

## Қатра хандалар

Икки аёл суҳбатидан:  
— Йўқ, менинг Равшанжоним кечаси йиғламайди. Йиғлаши билан алла айтаман.  
— Мен ҳам илгари шундай қилардим. Лекин кўшнилари "Кўй, Каромат, ундан кўра боланг йиғла қолсин!" дейишган.

— Мен хотинимни "Гўзаллик ва саломатлик", "Икки ҳафта ичида гўзал қоматга эга бўламиз" сингари китобларни сотиб олишдан тўхташишга эришдим.  
— Қандай қилиб?  
— Бу асар муаллифларини кўрсатиб!

— Раъноҳон, эртага яна учрашамизми?  
— Майли.  
— Сизни хафа қилиб қўймадимми, ишқилиб?  
— Йўқ, менга муомалангиз жуда ям ёқди...  
— Йўғ-э, ростданми? Дадам "Бирорта қизни илинтирмоқчи бўлсанг, унга ширин муомала қил" деб ўргатганларда!

— Дўконингиздан канарейка сотиб олаётганимда, "Бу қуш ўн йил яшайди" деган эдингиз. Эртасигаёқ ўлиб қолди-ку?  
— Демак, у ўша куни ўн ёшга кирибди-да!

Бир эркак метрода кекса аёлга жой бўшатди.  
— Э қўяверинг, мен туриб кетавераман.  
— Ҳечқиси йўқ, ўтираверинг. Сиз эркаклар фақат чиройли, келишган аёлларгагина жой бўшатади деб ўйламанг.

Қишлоқ кўчасидан қушдек учиб бораётган "Нексия" дарвоза ёнидаги супада ўтирган Афандининг рўпарасига бориб тўхтади. Мошинадан олифта кийинган бир йигит тушди-да, Афандига салом бериб, уни бағрига босди.  
— Дада, — деди йигит уни танимай турган Афандига мурожаат қилиб, — нима, мени танимаяпсизми?  
— Йўқ, таниёлмай турибман, бўтам, — деди Афанди йигитга бошдан оёқ тикилиб.  
— Ахир мен сиз бундан ўн йил олдин шаҳарга нос олиб келиш учун юборган ўғлингизман! Ушанда шаҳарда қолиб кетиб, ишга кирдим. Уйлик-жойлик бўлдим, мошина сотиб олдим. Дуруст қилманми, дада?  
— Ҳўш, нос қани? — деб сўради Афанди.

Бир безоридан қочиб кетаётган тўрт кишини кўрган одам деди:  
— Нега энди бир безоридан тўрт киши қочиб кетяпсизлар?  
— Ахир у қай биримизни қувлаётганини билмаймиз-да.


**Шодмон ОТАБЕК**

## БОШҚОТИРМА

1. Пойтахтимиздаги ўйингоҳ. 2. Яққасарой туманидаги маҳалла. 3. 19-аср охири — 20-аср бошларида Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири. 4. "Зах ариғининг бўйи" номини олган 19-асрдаги ҳам дарвоза, ҳам маҳалла. 5. Бухоро хонининг ноиб Кўлбобо томонидан 16-асрда қурдирилган мадраса, архитектура ёдгорлиги. 6. "Тош сўзи", — дейди буюк аллома Абу Райҳон Беруний, — асли туркча исм бўлиб, ...кўринишини олган. 7. Шайх Умар Богистоний ўғли (жаноби пок шайх) номи билан аталган шаҳарнинг тўрт даҳасидан бири. 8. Тошкентнинг қадимда кум тўшалган марказий қисми. "Чорсу" бозори ўрни. 9. Пойтахтимиздаги метрополитеннинг янги ном олган бекатларидан бири. 10. Деҳқон бозори. 11. Тошкентнинг жанубий-шарқидagi туман. 12. Шаҳарнинг шимолий-шарқидан оқиб ўтувчи канал. 13. Пойтахтимизни улғулайдиган, шарафлайдиган

сифатларидан бири. 14. Олмазор туманида жойлашган Чўқурсой атрофидаги меъморий ёдгорлик. 15. "Маҳаллада дув-дув гап", "Тошкент — нон шаҳри", "Сен етим эмассан" кинофильмлари режиссёри. 16. Ўтган асрнинг бошида қурилган темир йўл бекати. 17. Эски Жўва атрофидаги қадимги кўчалардан бири. 18. Шаҳар атрофидаги қўл. 19. Иш ҳайвонларининг туёғига қоқиладиган металл мослама номи билан боғлиқ шаҳарнинг шимолий-ғарбда жойлашган маҳалла. 20. Мустанқилликдан сўнг ном олган марказий кўчалардан бири. 21. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган "Фунун ул-балога" асари топилган, ундаги жумлаларга асосланиб она Ватани Тошкент бўлган, деган фикр ҳам илгари сурилган, салкам бир аср умр кўрган ўзбек шоири ва мутафаккири.

**Тузувчи Шавкат Хидоятлов**



## 3-ОЗ ЎРГАНИШ ДОНО БЎЛУР

### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Яхши дуо олиб яшайди, ёмон қарғиш.

\* \* \*

Тенгинг йўқ жойга борма.

\* \* \*

Кундалик жангу жанжал оила устунига тинимсиз урилаётган болтадир — у бир куни бу устунни емиради.

\* \* \*

Вақт тарозисига умр юки қўйилган.

\* \* \*

Орзу-ҳавас умрингдан азиз эмас.

\* \* \*

Дунёни ўзгартирган ҳам табиатини ўзгартиролмайдими.

\* \* \*

Ўзингнинг тиканинг бировнинг гулидан афзал.

\* \* \*

Вақт даволамайдиган дард йўқ.

\* \* \*

Бурч юки — бир умрлик юк.

\* \* \*

Умид қўлингга қалит тутқизади.

\* \* \*

Ёшлик ўзини кўрсатишга ўч бўлади.

\* \* \*

Ишонч умид бағишлайди.

\* \* \*

Ибратли умр — ҳикматли умр.

\* \* \*

Ёмон хулқ гўзал ҳусндан бездиради.

\* \* \*

Ҳар қанча доно бўлма, халқдан кўп билмайсан.

\* \* \*

Пул яшириш осон, сир яшириш қийин.

\* \* \*

Самарасиз меҳнат ҳафсалани пир қилади.

\* \* \*

Данақдай имкониятдан дарахтдай натижага эришиш мумкин.

\* \* \*

Тили узуннинг умри қисқа.

\* \* \*

Кимнинг кўзи гайбни кўрар, Кимнинг кўзи айбни.

\* \* \*

Одамлар гап териб яшайди.

\* \* \*

Ақли йўқнинг сабри йўқ.

\* \* \*

Ёлғон мақтов кишини ноқулай аҳволга солади.



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 27 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 6-8, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълоплар: (0-371) 233-28-95  
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электроник манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
2142 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акmal АҚРОМОВ

Буюртма Г-4 46

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00